Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 декабрь, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 245 (1497)

ПРЕЗИДЕНТ ЛИССАБОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун Португалия пойтахти Лиссабонга жўнаб кетди.

-- Ушбу анжуманда қатнашишимиз Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеининг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутади, -- деди Президент Ислом Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбатда. -- Маълумки, мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг тадбирларида фаол қатнашмоқда. Бундан кўзланган мақсад юртимиз хавфсизлигини таъминлашдир. Тожикистон ва Афғонистондаги воқеалар бугун минтақамиздаги ҳеч бир давлатни бефарқ қолдирмаслиги керак. Бундан ташқари, экология, хусусан, Орол денгизи муаммоси фақат Марказий Осиё давлатларинингина эмас, жаҳон дарди-ташвишига айланиши зарур. Бу фожеа нафақат минтақада, балки дунёда ҳам иқлимий ўзгаришларга олиб келади. Биз анжуман иштирокчилари эътиборини ана шундай муҳим масалаларга қаратиш ниятидамиз.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ПОРТУГАЛИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

Лиссабон, 2 декабрь. (Фахриддин Низом хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 декабрь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Португалия пойтахтига ташриф буюрди.

Бугун Лиссабон шаҳрининг «Белем» маданият марказида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Мазкур мулоқотга ЕХҲТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари таклиф этилган. Шунингдек, Саммитда БМТ Бош котиби вакили, Ўрта ер денгизи мамлакатлари -- Жазоир, Миср, Исроил, Марокаш, Тунис ҳамда Япония ва Корея Республикаси раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТ учрашуви чоғида мазкур ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Бу анжуман давлат ва ҳукумат бошлиқлари учун ЕХҲТ доирасида умумий манфаатларга дахлдор бўлган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЕХҲТнинг Лиссабон Саммити чоғида умумий декларация ва хавфсизлик модели бўйича декларация қабул қилиниши кутилмоқда. Умумий декларацияда 1989 йилдан бери ЕХҲТга аъзо мамлакатларда демократияни қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар қайд этилади ҳамда уларни бундан буён ривожлантириш йўллари белгилаб олинади. Хавфсизлик модели бўйича декларацияда ЕХҲТ доирасида муҳокама этилаётган «XXI асрда Европа учун умумий ва кенг миқёсли хавфсизлик модели» ўз аксини топади.

Саммит ялпи мажлисини Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш кириш сўзи билан очди. У Европада, хусусан, собиқ Югославиядаги уруш ўчоғини бартараф этишда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ЕХҲТ ҳам фаол иштирок этганини қайд этди, мазкур анжуман Европада хавфсизлик архитектурасини барпо этишга киришилаётган бир пайтда ўтаётганини таъкидлади.

ЕХҲТнинг айни пайтдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти анжуман иштирокчилари эътиборини ташкилотнинг хавфсизликни таъминлаш, уруш ўчоқларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларига қаратди. У ЕХҲТ урушаётган томонларни яраштиришда қозилик қилмайди, аксинча, воситачи вазифасини ўтайди, деб айтди.

Ялпи мажлиснинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби вакили Михаил Петровский, ЕХҲТ парламент ассамблеяси раиси Хавнер Руперес сўзга чиқди.

Шундан сўнг ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари сўз олдилар.

ЕХҲТнинг Лиссабон Саммитида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун куннинг биринчи ярмида Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан учрашди.

Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЕХҲТнинг Лиссабон учрашуви ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

ҚИШ ХАТОЛАРНИ КЕЧИРМАЙДИ

2 декабрь куни Тошкент шаҳри ҳокимлигида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг кўчма мажлиси бўлди. Унда республика пойтахтидаги коммуникациялар, уй-жойлар ва корхоналарнинг қишга тайёрлиги масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда республика вазирликлари ва идораларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Тошкент туманларининг ҳокимлари иштирок этди.

Муҳокама қилинаётган масала Ўзбекистон Президентининг, ҳукуматининг ҳамиша диққат марказида тургани, аҳолидан тушаётган шикоятлар ҳисобга олиниб, назорат қилиб турилгани таъкидланди.

Ишларнинг аҳволи тўғрисида ахборот берган Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иссиқлик ва сув қувурлари тармоқларини, механизмларни қайта қуриш, қисман алмаштириш, подвалларни нормал ҳолатга келтириш, таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, барча муҳим муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгиланган кенг кўламли ишларни охирига етказиш зарурлигини айтиб ўтди.

Мажлис иштирокчилари қишга вақтида тайёргарлик кўрмаслик ҳоллари билан таништирилди. Учрашув чоғида бу ишда қолоқликка йўл қўйган айбдор шахслар танқид қилинди. Айни пайтда шаҳарнинг турли жойларидаги камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар белгиланди. Коммунал хизматдан фойдаланганлик учун 300 миллион сўмдан ортиқ қарздор бўлиб қолган шахслар ва ташкилотлар шаънига эътирозлар айтилди. Қиш мавсумига пухтароқ тайёргарлик кўриш учун ҳозир айни ана шу маблағ етишмай турибди.

Мажлисда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзА).

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ

Ўтган ҳафта Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. 28 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов Хоразмга ташриф буюрдилар. Қадимий Хева шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули ҳайкали очилди. Қуйида Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Туркманистон Президенти С. Ниёзовнинг буюк шоир ҳайкали очилиши муносабати билан бўлган тантанали митингда сўзлаган нутқлари эълон қилинмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

Ҳурматли Сапармурот Отаевич!

Муҳтарам меҳмонлар, азиз дўстлар!

Бугун биз қадимий ва ҳамиша навқирон Хева шаҳрида учрашиб турибмиз. Кўп асрли тарих ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан-қанча буюк зотларга таълим ва тарбия берган Хева шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат -- академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру ғурур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиққан Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний-дек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан элу юртимизнинг, халқимизнинг номини оламга таранним этдилар.

Бу кўҳна заминда не-не буюк инсонлар, не-не алломаю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

Оламга донги кетган ва ўз юртида юлдуз каби чақнаб, тарихда ёрқин из қолдирган шу буюк зотлар қаторида туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фироғий алоҳида ўрин эгаллайди.

Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

Азиз биродарлар!

Дунёда элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳамкору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Ўзбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламини, орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришда, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса, беқиёс ва унутилмасдир. Унинг теран донолик билан йўғрилган биргина ҳикматли байти бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлардан кўра минг марта афзалдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Махтумқули одамларни ҳамиша иймон-эътиқодли бўлишга, ҳаётда ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдиришга даъват этади:

Саҳар тур, худога ёлвор,
Ислом уйинг обод қолсин.
Ёмонни кўй, яхшилик қил,
Шайтон иши барбод қолсин.
Яхши сўзга қулоқ солгин,
Саҳар вақти бедор бўлгин,
Яхшилардан олқиш олгин,
Умринг ортсин, зиёд қолсин.

Махтумқули -- улуғ шоир, улуғ мутафаккир. Шу боис у маърифатпарвар инсониятнинг бу қадар юксак эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Шу боис унинг

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ САПАРМУРОТ НИЁЗОВ НУТҚИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Азиз дўстлар, биродарлар!

Энг аввало, Сизга, Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқига Туркманистон халқининг улкан, самимий саломини етказмоқчиман.

Бугун биз иккала халқ учун ҳам муҳим бўлган воқеа -- буюк Махтумқули ҳайкали очилишида иштирок этмоқдамиз. Мен буни ўзбек халқининг, унинг раҳбарларининг Махтумқули адабий меросига бўлган улкан эҳтироми, ўзбек халқининг туркман қардошларига самимий муносабати белгиси деб биламан.

Махтумқули -- ҳаммамизнинг шоиримиз ва мутафаккиримиз, у бизнинг қадр-қимматимиз, шарафимиздир. Махтумқули асарларини ўқимаган, уни ўрганмаган, севмаган биронта туркманни ҳам, ўзбекни ҳам топиб бўлмайди. Унинг шеърларига битилган қўшиқлар бизнинг бахшиларимиз учун ҳам, сизнинг бахшиларингиз учун ҳам ўзига хос дуога айланган. У яратган асарлар руҳимизни поклашда, ақл ва қалб тиниқлигини сақлашда, бизга куч-қувват бағишлайди, инсон шахсига ҳурмат, кишилар ўртасидаги эзгу муносабатлар анъаналарини муқаддас билиб асрашга эҳтиёж уйғотади, олдимизга қўйган мақсадларга эришишимизга ёрдам беради.

Сизларнинг қадимий ва мангу навқирон шаҳарларингиз -- гўзал Хева заминида, Шарқнинг илмий ва маданий марказларидан бирида буюк шоир ва мутафаккир Махтумқули ҳайкали очилиши тарихимиз ва тақдиримиз умумийлигининг ёрқин гувоҳидир. Махтумқули айнан мана шу ерда, Хевада буюк Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг меросидан баҳраманд бўлиб, ўз фалсафа ва дунёқарашини камолга етказган эди. Бу номлар уни шеърият оламида Жамшиддиннинг сеҳрли косаси сингари рамзий ном олган шоир сифатида шакллантирди.

Махтумқули ҳар доим бу замин ва унинг халқига катта эҳтиром билан қараган, меҳрини: «Илм, билим олган ҳар қандай киши сени унутмайди, мен кетяпман, яхши қол, эй, гўзал Шерғози» деган сатрларда ифода қилган эди.

Шерғози мадрасасида олган таълим ва тарбия туфайли юксакка кўтарилган Махтумқулининг ўзи ҳам қадимий Хеванинг шуҳратига шуҳрат қўшган эди.

Тарихдаги оғир кунларда Махтумқули асарлари халқларимиз сув ичган олтин косага таққосланган эди. Унинг миллий ўзликни англашга бўлган улкан таъсири туфайли туркман халқи маънавий ўзига хослигини сақлаб қолди. Махтумқули шу боис ҳам биз учун улуғ ва муқаддасдир. Халқимиз Махтумқулини ҳар доим севиб, ардоқлаб келган эди, бироқ уни ҳақиқий улуғлаш, унинг номини жаҳоний даражага кўтаришга фақатгина мустақилликни қўлга киритгандан сўнгина эришди. Асарлари бир неча марталаб қайта нашр қилинди, унинг номида халқаро мукофот мавжуд, Ашгабадда буюк шоир музейи барпо этилган. Бугун, Шерғози мадрасасини зиёрат қилиб, буюк шоир ижодининг бешигига таъзим бажо қилар эканмиз, биз бу ердаги музейга Махтумқули Фироғийнинг қўлёзмаларини, нашр этилган китобла-

(Давоми 2-бетда).

ЕНГИЛ САНОАТИМИЗНИНГ ЯНГИ ГИГАНТИ

30 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Кабул -- Тўйтепа -- Текстайл» Ўзбекистон -- Жанубий Корея қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Унда республикамиз ҳукумати аъзолари, вазирликлар, йирик корхоналар, хорижий фирмалар, дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, кореялик меҳмонлар иштирок этдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қарийб 44 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонига эга йирик корхона қисқа муддат -- тўққиз ойда қуриб битказилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 76 миллион АҚШ долларига тенг. Корхона жаҳон бозорида рақобатбардошлилиги билан ажралиб турадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ускуналар йилига 20 минг тонна «оқ олтин» толасини қайта ишлаш имконини беради.

Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев маросимни очар экан, қўшма корхона мамлакатимиз экспорт имкониятларини кенгайтирибгина қолмасдан, Тўйтепа ижтимоий инфратузилмасининг ривожида ҳам муҳим ўрин тутишини, 2000 га яқин ишлар иш билан таъминланишини қайд этди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков тантана иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга ташрифи натижаларидан бири эканини мамнуният билан қайд этиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ёрқин истиқболга эгалигини таъкидлади.

«Кабул групп» компанияси бошқаруви раиси Чан Хо Пак эса «Кабул -- Тўйтепа -- Текстайл» истиқболда 100 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга бўлишини, корхона дастлаб йилига 17 минг тонна калава ип, 15 миллион погон метр газлама ишлаб чиқарса, келажакда қўшимча фойдаси янада зиёда бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни айтди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси бошқаруви раиси Б. Эргашев 1996 йил мамлакатимиз енгил саноати тарихига техник қайта жиҳозланиш йили сифатида киражагига эътиборни қаратди. Зеро, нафақат Тўйтепада, балки Қарши, Гурлан, Қува, Наманган ва Бухорода ҳам хорижлик ҳамкорлар билан замонавий технологиялар асосида фаолият юритувчи тўқимачилик корхоналари барпо этилмоқда.

Қўшма корхона очилишига бағишланган митингдан сўнг Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Со Кон И ва «Кабул групп» компанияси бошқаруви раиси Чан Хо Пак янги комбинат остонасидаги рамзий лентани қирқдилар.

Тантана иштирокчилари қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар. Шундан сўнг хорижлик ва республикамиз журналистлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Қўшма корхона очилиши маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Р. Юнусов, М. Усмонов, В. Чжен иштирок этди.

Амирқул КАРИМ,
Неъмат ДУШАЕВ,
(ЎзА)

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Олимпия шон-шуҳрати музейида Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган Осиё кубоги учун мусобақаларда қатнашишга жўнаб кетаётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Йигилишда Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида республикамиз футболчилари қўлга киритган улкан галаба футбол мухлисларини беҳад қувонтиргани қайд этилди. Спортчиларимиз бўлажак учрашувларда ҳам голиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонимиз шуҳратини янада оширишларига катта умид билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Воҳидовни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек маданиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, миллий маънавият соҳасидаги улкан фаолияти ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали хизмати учун Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидович Воҳидов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Рўзметовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони бериш тўғрисида

Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Гойипович Рўзметовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек, республика иқтисодиётига сармоя қўядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

корхонанинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган ҳамда хўжалик фаолиятидан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради.

3. Ушбу Фармон қабул қилингунга қадар рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари белгиланган муддат тугагунча сақлаб қолинсин.

4. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги кафолатлар ва имтиёзларга қўшимча равишда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари жорий этилсин:

4.1. Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқдан озод қилиш муддати 5 йилдан 7 йилга қадар узайтирилсин.

Илгари республика инвестиция дастурига киритилган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун мазкур Фармоннинг 1-бандида кўзда тутилган шартларга риоя этилгани ҳолда аввал берилган имтиёзли муддатни ҳисобга олиб, солиққа тортиш имтиёзли режимининг умумий даври 7 йилгача оширилади.

4.2. Низом жамғармасидаги хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солиқнинг амалдаги ставкалари камайтирилиб, улар низом жамғармасининг катталигига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача тенг бўлган суммадан -- 20 фоиз миқдорида;

1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан -- 16 фоиз миқдорида.

4.3. Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинсин. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасидан солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинсин;

агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинсин.

Фойдадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш чоғида белгиланган имтиёзли даврдан сўнг бир йил ўтгунга қадар солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.4. Низом жамғармасида хорижий сармоялар улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси солиққа тортишдан озод қилинсин.

4.5. Қўшимча солиқ имтиёзлари 1997 йилнинг 1 январига қадар ишлаб турган ва рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин, бунда улар ўзларининг таъсис ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришлари ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига кирмайдиган янгидан ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги ва қўшимча равишда жорий этилаётган солиқ имтиёзлари тадбиқ қилинмайди.

6. Давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб бир йил мобайнида белгиланган тартибда ўзининг низом жамғармасини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда туза олмаган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар таркиб топмаган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ижоди ҳамон юрагимизга яқин, ҳароратли сатрлари ҳамон ёниб туради.

Одам баъзан оғир кунларда руҳан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб қолади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниқтирмоқ учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта таскин топади ва мадад олади.

Шунинг учун ҳам бизнинг ўзбек ҳофизларимиз, мумтоз ижодкорларимизнинг санъати Махтумқули шеърияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг истеъдодли фарзанди, булбулнафас ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шуҳрат топишида Махтумқули ғазалларининг катта ҳиссаси бор.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон ва Туркманистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Махтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришда, миллий мафкурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгитдан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Махтумқулининг Хевадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Муҳтарам жамоат!

Бугун Махтумқули бобомизга ҳурматимизни бажо келтириб, ул зот бир пайтлар ўқиб вояга етган шаҳарда унга муҳташам ҳайкал ўрнатмоқдамиз. Шу тарихий ва ҳаяжонли дамларда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бу ҳайкал нафақат икки халқ дўстлигининг рамзи, балки халқларимиз, миллатларимизнинг азалий тарихи, маданияти, маънавияти, тақдири, айтиш мумкинки, юраги абадул-абад туташиб, бирлашиб кетганининг тимсолидир.

Ишончим комилки, бу ёрқин тимсол маънавиятимизни янада юксалтиришга, ўсиб келаётган жондан азиз фарзандларимизни халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналари билан яқиндан ошно этишга, улардан бир умр баҳраманд бўлишга хизмат қилади. Ҳаётимиздаги бу муҳим воқеа қадриятларимизни тиклашга нақадар катта аҳамият бераётганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Азиз дўстлар!

Мен шу унутилмас лаҳзаларда дўстим Сапармурот Ота ўғли ёнимда турганидан бахтиёрман. Бу қувончли маросимда Туркманистон халқининг етакчиси, ёшуллиси иштирок этаётгани бу йиғинга алоҳида маъно ва аҳамият бағишлайди.

Янгича мазмун билан бойиб бораётган қадимий қардошлигимиз ва дўстлигимиз бугунги ҳаётимизда бир-биримизга қўл бериб, бошимиздан ўтаётган синовларга биргаликда мардона бардош бериб, келажагимизни бирга қуриш йўлида бизга улкан ишонч ва куч-қувват бахш этади.

Ана шу ишонч барқарор экан, ўзбек ва туркман халқларининг ёруғ келажакка етиши шубҳасиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги маросимда иштирок этаётгани учун Туркманистон Президенти, дўстим Сапармурот Ниёзовга миннаддорлик билдиришга, унинг сиймосида қардош Туркманистон халқига, унинг тарихига, унинг маънавиятига, унинг маданиятига ва ёруғ келажагига ҳурмат ва ишончимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада ривожлансин, яна ҳам зиёда бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ САПАРМУРОТ НИЁЗОВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рини ҳамда унинг сурати туширилган гиламни совға қилмоқчимиз.

Махтумқули даҳосининг ўзига хослиги -- унинг фикр ва туйғуларининг авлодлар идроки билан ҳамоҳанглигидадир. Махтумқули биз учун замондошдан ҳам яқин, чунки унинг халқни яқдилликкa, мустаҳкам давлат қуришга, ватанга, халққа меҳр-муҳаббатга даъватлари бизнинг умидларимиз билан уйғунлашиб кетган. Буюк Фирағийнинг «Давлат мустаҳкам бўлишини истайман», ёки «Хожаи Хизр қадами етган саҳродаги халқлар фаровон яшасин, мамлакат мустаҳкам бўлсин» деган машҳур сўзлари бугунги кунда ҳам ниҳоятда замонавий жаранглайди. Шоирнинг орзу-умидлари бугунга келиб ушалди. Туркман ва ўзбек халқлари мустақилликка эришдилар, суверен давлат қурдилар ҳамда тараққиётнинг мустақил йўлида дастлабки одимларини ташламоқдалар.

Асрлар мобайнида битта дарёдан сув ичган, маданияти, тили, дини, эътиқоди бир бўлган халқларимиз бугунги кунда ўз муносабатларида янги саҳифа очмоқда. Биз, иккала мамлакат раҳбарлари учун халқларимиз ҳамкорлиги, бу ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришдек улкан мақсадга хизмат қилиш фахрли ва муқаддас ишдир.

Мазкур ташриф давомида биз дўстим Ислом Каримов билан мана шу масалалар юзасидан кенг фикр алмашдик ҳамда қарашларимиз бирлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги дайтда Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳал қилинмаган масалалар ёки ташвиш уйғотадиган ҳолатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бугунги кунда халқларимиз бир-бири билан бемалол мулоқот қила олади. Бундан кейин ҳам, ҳозирги ва келажак авлодларимиз ҳам шундай қилади.

Туркман халқи ўзбек халқига улкан эҳтиром билан қарайди. Дўстим Ислом Абдуғаниевичнинг Чоржўйда қилган лутфини бироз ўзгартириб айтадиган бўлсак, дунёда ўзбек халқининг дўсти кўп, лекин қийинчиликларингизни баҳам кўришга, қувончларингизга шерик бўлишга тайёр турган энг яқин, энг самимий, энг эзгу ниятли дўстингиз ва қардошингиз -- туркман халқидир. Мен мана шу муқаддас заминда туриб, халқимиз номидан буни яна бир марта такрорламоқчиман.

Кеча биз Ислом Абдуғаниевич билан Тошҳовуз билан Хоразм, Лебоп билан Бухоро вилоятлари ўртасида эркин савдо-сотиқни тўла очиб қўйиш ҳақида битимга келишдик. Халқларимиз -- келиб чиқиши, илдизи битта, қон-қариндош халқ. Қўшни билан тинч-тотувликда яшаш-- мамлакат тинчлигининг, давлат фаровонлигининг асосидир. Биз ҳар доим сизлар билан қалин, қардошларча муносабатларни ривожлантиришга интиламиз.

Муҳтарам дўстим Ислом Абдуғаниевич!

Азиз ўзбек жигарларимиз!

Сизларнинг туркман биродарларингиз ҳам сизлар Махтумқулига эҳтиром кўрсатганингиздек, ўзбек сўз устаталарини самимий суяди. Туркман халқи тақдирига Мир Алишер номи билан кирган Алишер Навоийни билмайдиган, унинг шеъриятининг олтин қасидасидан сипқормаган биронта туркман йўқ. Марида яшаб, ижод этган, у ерда мадраса қуриб, унга Мару шоҳу жаҳон, яъни оламнинг пойтахти деб ном берган бу мутафаккирга эҳтиром ниҳоятда баланд.

Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Форобий, Умар Ҳайём, Рудакий сингари руҳ ва ақлнинг улкан намояндалари инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улар Бухоро ва Хевада, Мари ва Урганчда, ҳаммамизнинг умумий заминимизда яшаган. Биз бугун уларнинг туганмас маънавий бойлиғидан мана шу сахий замин халқининг амал ва туйғулари баҳраманд бўлаётгани тўғрисида буюк фахр билан гапира оламиз. Туркман ва ўзбек халқларининг тарихий илдизи бирлигига, уларнинг адабий ва маданий бойлиқлари битталигига ҳамда муваффақият ва шуҳратлар биргаликда қозонилганига бундан ортиқ исбот бўлмайди.

Бу миноралар, бу гўзал бинолар -- халқларимиз буюклиги рамзи, уларнинг шонли ўтмиши ҳамда ёрқин келажаги тимсолидир. Кўрсатилган эҳтиром учун мен қардош ўзбек халқига, муҳтарам хевликларга, қадрдон дўстим ва оғам Ислом Каримовга чексиз миннатдорлик билдираман. Сизларга осойишталик, тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат ва тўкин-сочин ҳаёт тилайман.

Сўзимни Махтумқулининг мана бу гўзал сатрлари билан тугатмоқчиман:

Қимматли дўстингдан юз бурма асло,
Жонингга жон бўлар дўстинг ҳар асно!

---

3 декабр
№ 245

Internet
ДУНЕ ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Польша давлат газ компанияси Россия газ саноати билан шартнома имзолади, деб хабар беради жаҳон оммавий ахборот воситалари. Ушбу шартнома асосида 1997 йил Польшага 3 миллиард куб метр газ етказиб берилади. Газнинг миқдори ҳар йили ошиб бориб, 2010 йилдан кейин эса 12 миллиард куб метрга етади. Польша Россия газига қарам бўлиб қолиб, мустақиллиги хавф остида қолиши мумкин деган фикр асоссиз эканлигини Польша Президенти Александр Квасьневский изоҳлаб берди. Россия гази билан биргаликда Польша ўз газидан ҳам фойдаланишни давом эттиради. Ҳозирча эса Польшага 60 фоиз газ Россиядан бормоқда.

КЎПРИКНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ

Лотин америкаликлар ўзларининг тоғқирликлари билан ҳаводан ҳам пул қилишади. Бунга колумбиялик устаси фаранглар дарё устида қурилган кўприкни ўғирлашлари билан исботлашди. Кали шаҳри полициячилари ва жамоатчилиги ушбу ўғирликдан ҳайрон қолишди. Жуда улкан темир конструкциялари билан қурилган кўприк бир кечадаёқ худди эриб кетгандек кўздан ғойиб бўлиши барчани ҳайратга солди. Шундай улкан кўприкни ҳеч кимга билдирмасдан бир кечадаёқ гумдон қилинганлиги устида бош қотираётган полициячиларнинг ўғриларни қўлга олиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракатлари ҳозирча ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

ПУШКИННИНГ КАМЕРУНЛИК АЖДОДИ

Ҳозирги пайтда Францияда ишлаётган, асли бенинлик олим Дьедонн Гнаммак ўзининг жиддий тадқиқотларига асосланиб, Пушкиннинг қора танли бобоси аслида ҳозирги Камерундан эканлигини аниқлади. Унинг «Абрам Ганнибал. Пушкиннинг қора танли бобоси» китоби Францияда нашр этилди. Улуғ рус шоири ўзини африкалик аждодларини аниқлашга умр бўйи уринган эди. Бенинлик олимнинг узоқ йиллик тадқиқотлари натижасида эндиликда бу муаммо ҳал бўлди. Унинг аниқлашича, Пушкиннинг бобоси Ганнибал Камерун шимолидаги Логоне шаҳрида туғилган. Ганнибалнинг отаси эса XVII аср охиригача ҳукмронлик қилган княз Миарре Брух бўлган. 1703 йилда етти ёшли Иброҳим ушлаб олиниб Туркия султонига сотилган. Кейин уни рус савдогари сотиб олиб, 1705 йилдан Петр I га олиб келиб берган. Чўқинтириш пайтида унга Абрам деб исм берилган. Унинг кейинги ҳаёти эса Россияда барчага маълум.

«БОИНГ» ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА

30 ноябрь куни давлатимиз байроғи рангида безатилган ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг белгиси туширилган энг замонавий «Боинг-767» самолёти Тошкент аэропорти узра доира ясаб, сўнг ҳаяжон ила кузатиб турган кутиб олувчиларнинг кўз ўнгида оҳиста қўнди.

АҚШнинг Сиэтл шаҳридан Тошкентгача бўлган масофани муваффақиятли учиб ўтган «Боинг-767» трапидан илк ўзбек «Боинг»чи экипажи раҳбари Арслон Рўзметов бошчилигидаги учувчилар, «Боинг» авиакомпанияси делегацияси аъзолари тушиб келдилар. Карнай-сурнай садолари янгради.

Шу муносабат билан митинг бўлди. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Комилжон Раҳимов нутқ сўзлади. У экипаж аъзолари, миллий авиакомпания жамоатчилиги, барчани Ўзбекистон самолётлари сафига янги, замонавий ҳаво лайнери келиб қўшилгани билан қутлади. Бу воқеа Президент Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг амалий самараларидан биридир, деб таъкидлади.

Бу гўзал ва бежирим самолёт дунёга машҳур «Боинг» авиакомпаниясининг Ўзбекистон осмонида парвоз этган илк самолёти бўлди. Туғриғоғи, у «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Боинг» ўртасидаги амалий ҳамкорликни бошлаб берди. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари дунёнинг 34 мамлакатига учмоқда. «Жаж-жигина» «Як-40»дан тортиб, жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатадиган «А-310»гача бўлган самолётлар жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 1 миллиондан зиёд йўловчига хизмат кўрсатди. Бугун уларнинг сафини энг замонавий «Боинг-767» тўлдирди. Яна иккита «Боинг» самолёти янги йилнинг дастлабки ойларида Тошкентга келтирилади.

Маросимда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Эскудеро, «Боинг» авиакомпанияси вице-президенти Эдуард Ренуард, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Рўзметов ва бошқалар энг замонавий моделдаги мазкур самолёт Ўзбекистон -- Америка ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Боинг» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

(ЎзА).

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қандай бажарилмоқда?

ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТ СОТУВГА ЧИҚАРИЛМАСИН

«Халқ сўзи» газетаси ва республика Давлат солиқ қўмитасининг қўшма рейди

ВОҚЕА. Қосимжон ишдан қайтаётиб, дафъатан эрталаб нонушта пайтида кенжа дилбанди, Нигора айтган гапни эслади. «Ада-чи, бугун менга чет эл печеньесини олиб келасиз-а?» -- деган эди у.

Куз ойининг охирги кунларида қуёшнинг йўли бир тутам эмасми, аллақачон қоронғи туша бошлаган эди. Лекин бу манзара Қосимжонни сира ташвишлантирмади. Негаки, ҳозир замон бошқача: истиқлол туфайли кейинги йилларда нафақат Тошкентда, балки республиканг энг чекка гўшаларида ҳам сон-саноқсиз тижорат дўконлари қурилди. Ушбу дўконларнинг чиройли, ойнаванд пештахталарида эса одам жонидан бошқа ҳамма нарса муҳайё. Фақат харидор ана шу товарларнинг нархига чидаса бас, хоҳлаганини ҳарид қилиши мумкин.

Алҳол, Қосимжон бамайлихотир ўзига таниш бекат ёнидаги шундай дўконларнинг бирига кириб, ориждан келтирилган печеньедан тўрт пачка сотиб олди. Қараса, пештахтада тунука банкага жойланган кўк нўхат ҳам турибди. «Рўзғорга асқотар» деган ниятда ундан икки дона ҳарид қилди.

У қизчасининг қувончдан ял-ял ёнган яноқларини кўз олдига келтириб, рафиқасидан эса ширин калом эшитишни ўйлаган ҳолда уйга хушнуд кайфиятда кириб келди. Аммо...

-- Ие, нима бало, пулингиз кўчада қолганми, дадаси?! -- хотини целлофан халтадан Қосимжон ҳарид қилган маҳсулотларни олиб, ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида кўздан кечираркан, бирдан пешонаси тиришди. -- «Бу печенье чиройли қоғозга ўралган бўлса-да, мазаси унчалик эмас.

-- Кўк нўхат-чи?..

-- Бунисининг истеъмол қилиш муддати аллақачон ўтиб кетибди. Кўзингиз қаерда эди? Ёки бизни заҳарламоқчимисиз?..

Бу воқеани яқинда бир ўтиришда Қосимжондан эшитганимизда, биз ҳайрон бўлган эдик. Бироқ шу йил 29 ноябрь -- 1 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги савдо дўконларига уюштирилган рейд давомида эса ундан-да аянчлироқларига гувоҳ бўлдик.

БИРИНЧИ ДАЛИЛ. «Ал-Барака» деб аталувчи масъулияти чекланган кичик корхонанинг 2-савдо-тижорат шохобчаси Юнусобод туманидаги 8-мавзеда, шу ҳудуднинг аҳоли энг гавжум масканида жойлашган. Тан олиш керакки, гарчи бу дўконнинг биноси бир қаватли бўлса-да, у замонавий меъморчиликнинг ўзига хос услубида, безакли ғиштлар билан барпо этилган. Ичкаридаги жиҳозлар ҳам маҳобатли, ҳаммаёқ саранжом-саришта, товарлар ассортиментига-ку асло тап йўқ. Туркиянинг турли хил печеньелари, сақичлари-ю шоколадлари, Болтиқбўйи мамлакатларидан келтирилган энвойи спиртли ичимликлару консервалар, ҳатто Россиядан олиб келинган дудланган балиқларгача кўзни қамаштиради. Шунданми, ҳаридорлар ҳам кўп.

Лекин бизни ўзга икки ҳолат ранжитди.

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида ёзилишича, сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим. Таассуфки, бу дўконда ана шу лавҳани кўрмадик. Бу -- биринчиси. Иккинчидан, дўкондаги мавжуд маҳсулотларнинг сифат белгиси ҳақидаги гувоҳномаси (сертификати) бўлмоғи лозим. Катта сотувчи Улуғбек Рафиқов эса мазкур ҳужжатни кўрсата олмади.

-- Дўконимиз 1995 йилнинг декабрида очилган бўлса, ўшандан бери унга тегишли барча ҳужжатлар, шу жумладан, сертификатлар ҳам фирма раҳбарияти қўлида сақланади, -- деди у.

-- Сиз шу ҳужжатлар дўконда бўлишини зарурат туғилганда ҳар бир истеъмолчи уни талаб этишини биласизми? Ахир, шу асосда дўкондаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол муддати аниқланади-ку?

ИККИНЧИ ДАЛИЛ. Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасидаги савдо расталари қаторида жойлашган «М. С. А. Чинор» хусусий дўконини текшириш чоғида ҳар бири 250 граммлик 33 пачка (жами 1650 сўмлик) «Vayla» (Туркия) маргарини ва «WHOLE PEAC» фирмасининг маҳсули -- 21 дона тунука банкадаги «AL-BYSTAN» кўк нўхатининг (жами нархи 3225 сўм) сертификатлари йўқлиги аниқланди. Устига устак, ана шу маҳсулотлардан бирининг истеъмол муддати 1996 йил августда, иккинчисиники эса шу йилнинг сентябрь ойида тугаган эди. Уларнинг 30 ноябргача пештахтада туриши, яъни сотувга қўйилишини қандай тушунмоқ керак?

-- Маргаринни Акбар Ғозиев деган кишидан сотиб олганман, -- деди дўкон мудири Сурҳат Маҳмудов. -- Унинг истеъмол муддати ўтиб кетганини билмай қолибман.

Мана, мудирнинг жавоби!

Биз унга Қонунда қўлланилган қуйидаги тушунчани эслатдик: «Товар чеки -- товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

-- Сиз эса барча маҳсулотларнинг нархини оддий қоғозга ёзиб қўйибсиз, холос. Уларнинг номи ва миқдори, қаердан олингани эса мутлақо кўрсатилмаган.

Мудир «Маргарин маҳсулотига нима учун 50 сўм нарх белгиладингиз?» деган саволга ҳам жавоб бера олмади. Чунки у Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма хатига биноан, сотиб олинган ҳар бир маҳсулотга вақтинча нарх қўйилиши кераклигидан бехабар эди.

УЧИНЧИ ДАЛИЛ. Собир Раҳимов туманига қарашли Ц-17/18-мавзедаги «Баҳодир» фирмасининг 2-дўконида эса рейд гуруҳи аъзолари хорижда ишлаб чиқарилган, истеъмол муддати аллақачон тугаган, ҳажми 1,5 литрлик, ҳар бирининг нархи 36 сўмдан, жами 3402 сўмлик 92 дона елим идишдаги «Лимон» ичимлиги сотилаётганига гувоҳ бўлишди. Бу маҳсулот ўша куниёқ сотувдан олиб қўйилди.

Текшириш мобайнида яна шунга амин бўлдикки, шаҳардаги кўплаб савдо-тижорат дўконларининг сотувчиларида ҳам савдо ходимига хос маданият етишмайди. Бўлмаса улар истеъмол муддати тамом бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари инсон соғлиғи учун зарарли эканлигини беш қўлдек била туриб, юқоридаги камчиликларга йўл қўйишармиди? Бу ўринда аҳолининг манфаати эмас, балки шахсий манфаат устунлик қилаётгани кўриниб турибти.

Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, товарларнинг ҳавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатини таъминлаш учун давлат томонидан махсус ваколат берилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ишини ҳам сезиларли даражада жонлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, бу борада Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси зиммасига катта масъулият юкланган.

Мазкур қўмита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириб, ана шу қонун ҳужжатларини қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтириш ишларини амалга оширишга даъват этилгандир.

Ва, ниҳоят, истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар жамоат бирлашмаларини тузишлари учун фурсат етди. (Бу ҳақда «Халқ сўзи»да мақола ҳам эълон қилинган). Шунда савдо шохобчаларида юқорида қайд этилган нуқсонларнинг олди олинади, дўконларнинг пештахталари эса янада сифатли ва рақобатбардош товарлар билан таъминланишига имконият яратилади.

Ҳозирча истеъмолчиларга истагимиз шу: муддати ўтиб кетган маҳсулотларни асло сотиб олманг.

И. ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бош мутахассиси.
Қ. ҲАЙДАРОВ,
шу қўмитанинг катта инспектори.
И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси олдидан

СОҒЛОМ РАҚОБАТ -- ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Жамият янгиланиши, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар тобора такомиллашган сайин лугатимизда янги ибора ва тушунчалар пайдо бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти ўз табиатига кўра рақобатни хуш кўради. Соғлом маънодаги рақобат жамиятни ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Биз бошимиздан кечирган кечаги тузум том маънода ҳам сиёсат, ҳам иқтисодда яккаҳокимликка асосланган эди. Собиқ совет тузумини таназзулга олиб келган асосий сабаблардан бири ҳам эҳтимол ана шудир.

Биз соғлом рақобатга асосланган жамият қураяпмиз. Шу сабабли бир хил фаолият билан шуғулланувчи ўнлаб хусусий фирма ва корхоналар пайдо бўлаяпти. Бу эса ўз навбатида аста-секинлик билан юксак технологияга асосланган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо этади. Нафақат тақозо, балки мажбур этади. Чунки корхона эгаси рақобатга дош бериши учун энди тинимсиз курашади. Зеро, унинг учун бошқа йўл йўқ. Ана шу жараёнда маҳсулот харид қилувчиларда ҳам табиий равишда талаб-таклифдан иборат янги тушунча-эҳтиёж шаклланади. Ва у аста-секин ўзининг сўнгги нуқтаси -- маданият шамойилига киради.

Мамлакатимизда ана шундай изчил ва кенг қамровли жараён айни пайтда шаклланиш босқичига кирди. Унинг фаолияти, ҳаракат механизмини мувофиқлаштирадиган, кафолатлайдиган талай янги қонунлар ишлаб чиқилди. Кўплаб яккаҳоким (монополист) корхоналар мулкчиликнинг турли хил шакллари асосида иш олиб бораяпти. Молия вазирлиги ҳузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Бу эса табиийки мазкур ташкилотнинг ҳуқуқ ва фаолиятини тартибга соладиган янги қонун яратилишини тақозо этарди. Шу боис Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси ташаббуси билан Олий Мажлисининг VII сессияси муҳокамасига «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилди. Яқинда қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси вакиллари, мутахассислар ҳамда депутатлар қонун лойиҳасини бандма-банд муҳокама қилиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қонун лойиҳасида товарлар бозорида соғлом рақобатни шакллантириш, монополистик фаолиятни чеклаш, унда жисмоний, юридик шахслар, чет эл ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг иштироки масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Қонун лойиҳасини муҳокама варианти олти бўлим, 26 моддадан иборат. Унда «товар», «товарлар бозори», «рақобат», «монополистик фаолият» тушунчаларига батафсил таъриф берилган.

-- Қонун лойиҳаси депутатларга тўлиқ тарқатилган, -- деди Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси Анвар Йўлдошев. -- Улар номидан қўмитамизга кўплаб таклиф ва мулоҳазалар тушаяпти. Яхши ва ўринли таклифлардан фойдаланаяпмиз. Мазкур қонун лойиҳаси бозор иқтисодиёти ҳамда товар ишлаб чиқарадиган барча соҳа вакиллари талабларига жавоб беради, деб умид қиламиз.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» газетасининг парламентдаги мухбири.

ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАЁТИР

Истиқлол йилларида олий ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини ошириш, бошқа давлатлар билан илмий ҳамкорликни кучайтириш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Бу борада Шарқшунослик институтида ҳам катта аҳамиятга молик тадбирлар амалга оширилмоқда.

-- Институтимизда, жумладан, япон тили ўқитиш ҳам йўлга қўйилган, —дейди ректор ўринбосари Адолат Азимова — Учинчи йилдирки, филология, тарих ва иқтисод факультетларида япон тили, адабиёти, тарихи ва иқтисоди ўқиляпти. Биринчи ва иккинчи йили 34 нафар мутахассис тайёрланган бўлса, бу йил талабалар сони 270 нафарга етди. Японияннинг Хосе ва Фусуоко университетлари, Фукусима аёллар коллежи билан ўзаро шартномалар тузганмиз. Япония Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия тараққиёти фонди биргина 1996 ўқув йилида бир тонналик япон китоблари кутубхонасини, 500 минг доллар ҳажмида ўқув қуроллари, дарсликлари етказиб берди. Шунингдек, 350 минг долларлик лингофон кабинетлари жиҳозлари ҳам келди. Яқинда мазкур фоннинг бош мутахассиси жаноб Йокаяма институтимизга ташриф буюриб, япон тили ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш ҳақида ўз таклифмулоҳазаларини билдириб, халқаро андозадаги ўқув дастури юборишини айтди.

Япония олий ўқув юртлари билан стажировка ва талабалар алмашиш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар йили Японияндан бизга 2 нафар ўқитувчи келади. Ҳозир улар 8 нафарга етди. Бундан ташқари беш нафар стажёр ва илмий ходим институтимизда таҳсил олмоқда. Ўз навбатида 20 нафардан кўпроқ талабамиз Япония олий ўқув юртларида стажировкада бўлишли. Икки нафар аспирантимиз эса ўқияпти.

Бу ишларни амалга оширишда бизга Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Г. ХУСАНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот одимлари

Самарқанд шаҳрининг довруғи етти иқлимга машҳур бозорлари ҳақида гап кетганда, расталар тўкин ва сочинлигини таъминлаётган тайлоқлик танти деҳқонлар меҳнати алоҳида тилга олинади.

ТАЙЛОҚ: МАЪМУРЧИЛИК БУЛОҚЛАРИ КЎЗ ОЧМОҚДА

- **Сабзавоткор даромади — бир миллиард сўм.**
- **Голланд технологияси — чорвачилик ва картошкачиликда рекорд натижа.**
- **«Дон» агрофирмаси — 60 центнер чегара эмас.**
- **Тайлоқ майизи — Лондон бозорида.**
- **Фермер саноатчига айланмоқда.**

Бу бежиз эмас, албатта. Олти аср муқаддам соҳибқирон Амир Темур барпо этган Боғизағон боғларининг кўрку таровати бугун ҳам кишини лол қолдиради. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, мева, ғалла ҳосилдорлиги бўйича туман энг юқори натижаларни аллақачон ҳатлаб ўтган. Боиси — дала ҳам, деҳқон ҳам йил бўйи беҳаловат. Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари, бой тажрибалар, интенсив технологиялар қишлоқ хўжалигига дадил жорий этилмоқда. Мавжуд суғориладиган майдонлардан бир йилда икки марта ҳосил олишга муваффақ бўлинаётгани ҳам бежиз эмас. Энди эса асосий эътибор бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда қишлоққа саноатни олиб киришни тезлаштириш, рентабелликни янада ошириш, деҳқончиликда банд кишиларнинг бир қисмини бошқа даромадли ишларга кўчириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари тармоғини кенгайтиришга қаратилмоқда.

— Йил якунига кўра қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидан фақат фойда билан чиқдик, — дейди туман ҳокими Абдураҳмон Искандаров. — Аввалари мева-сабзавот давлатдан олинадиган дотация ҳисобига етиштирилган бўлса, ҳозир харажатларни қоплабгина қолмай, ўн миллионлаб сўм фойда олаётган жамоа хўжаликлари, деҳқон-фермер уюмларига кўпайган. Умуман, бу йилги натижага кўра қишлоқ хўжалигидан бир миллиард сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.

Туманда жами суғориладиган майдонлар атиги 14 минг гектар. Қишлоқларда эса 130 минг аҳоли истиқомат қилади. Демак, аҳоли кўп, ер эса оз. Шундай шароитда энг мукаммал, интенсив технологияларни қўлланиб, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот етиштиришга кетадиган харажатларни мумкин қадар қисқартириш ишланмоқда.

Бу йил туман ғаллакорларининг меҳнати айниқса, баракали бўлди. 4 минг гектар майдондан 17 минг тонна ёки режалаштирилганидан 3,5 минг тонна кўп дон хирмони уюлди. Ҳосилдорлик 43 центнер бўлди. Ғаллачиликдан 255 миллион сўм даромад олинди. Деҳқонлар бу муваффақиятни тумандаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги базасида тузилган «Дон» агрофирмаси фаолияти билан бевосита боғлиқ деб билишмоқда. Бир неча йилдирки, агрофирма Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимларининг кўмагида буғдой ва арпанинг серҳосил, истиқболли навларидан уруғлик дон тайёрлаб, хўжаликларга етказмоқда. Ғалланинг қадимдан экиб келинган тезпишар, бўлиқ навлари излаб топилмоқда, уларнинг ҳосилдорлик хусусиятлари тикланмоқда. Буғдой ва арпанинг «Шердор», «Темур», «Зафар», «Пайғамбар оқ буғдойи» сингари навлари бугун тумандагина эмас, вилоятда ҳам тобора кенгроқ майдонларга экилмоқда. Агрофирманинг ўзида бу йил гектаридан 60 центнердан дон етиштирилганини олимлар сўнгги чегара эмас, деб баҳолашаяпти.

Умуман, туман экинзорлари Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари учун ўзига хос тажриба майдонига айланган. Бу ерда картошкани помидор сингари кўчат холида экиб ўстириш муваффақиятли синовдан ўтаяпти. Шунинг баробарида картошкачиликда голланд технологияси изчил қўлланилаётгани туфайли бир гектар ердан 350 центнергача ҳосил олишмоқда. Боғдорчиликда ва сабзавотчиликда ҳам фақат биологлар тавсиясига амал қилиниб, таркиби соф, беғубор маҳсулот етиштирилмоқда. Шу йўл билан бу йил 41 минг тонна сабзавот, салкам 30 минг тонна узум, 8500 тоннадан ортиқ мева тайёрланди ва зиммадаги режалар ортиғи билан удаланади.

Қишлоқ ишбилармони бозор муносабатларини, хўжалик юритишнинг иқтисодий асосларини тобора чуқурроқ англаб олаётгани кундалик иш натижаларида яққол намоён бўлмоқда. Чорвачилик соҳасини олиб кўрайлик. Туманда 9 ойда ҳар бош сигирдан 2400 килограммдан сут соғиб олинди. Бу вилоят кўрсаткичидан уч баравар кўп. Улуғбек номли, «Зарафшон», Садриддин Айний номли жамоа хўжаликларида эса 3200 килограммдан ошмоқда. Йил охиригача туман бўйича бу кўрсаткични 3500 килограммга етказиш мўлжалланган. Бу нимани шарофати?

Аввало туманда чорвачилик билан ҳақиқий мутахассислар шуғулланишади. Ҳамма иш аниқ ҳисоб-китобларга асосланган. Сут-товар фермалари юксак самара берадиган голланд технологиясига кўчирилган. Бинобарин, ҳар бир хўжаликда фақат наслли мол боқилади. Озуқа масаласи буткул ҳал этилган. 2,5 минг гектар майдон озуқа экинлари учун ажратилган. Шунинг 1200 гектари бедазор. Ҳар бош шартли моллар ҳисобига тақсимлаганда ер майдони оз. Бироқ озуқачиликда ҳосилдорликни ошириш эвазига етишмовчилик ўрнини қоплашмоқда. Бедазорлардан икки ўримда 867 центнердан пичан олишди. Вилоятнинг аксарият хўжаликларида эса 150-200 центнердан ошмаяпти.

— Хоҳ деҳқончиликда, хоҳ чорвачиликда бўлсин, фермер хўжалиги тузишда ёрдам сўраб мурожаат қиладиган ишбилармонларга битта шартни узил-кесил қўямиз, — дейди туман ҳокими. — Маҳсулдорлик туман кўрсаткичидан кам деганда 30-40 фоиз юқори бўлиши керак. Бу ҳолат шартномада ҳам албатта, кўрсатилади. Шундан сўнг фермерга барча зарур шароит яратиб берилади. Кредит маблағлари ажратилади.

Ишлаб чиқаришда саноатнинг иштироки кучайиб бораётгани ислоҳотлар муваффақиятини таъминламоқда. Айниқса, маҳсулот нобудгарчилигига барҳам бериш учун қайта ишлаш корхоналарининг иши такомиллаштирилмоқда. Аксарият хўжаликларда кичик консерва цехлари, вино, шарбат қуядиган линиялар ишлаб турибди. Узум ва мева қуритадиган «Сандвик» фирмаси хорижий технология билан жиҳозланган. Европа иқтисодий ҳамжамиятининг кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашувчи ТАСИС дастурига мувофиқ яқинда Буюк Британия ишбилармонларидан бир гуруҳи Тайлоққа ташриф буюришди. Улар бу ерда майиз тайёрлаш технологияси билан танишиб, чуқур қониқиш ҳосил қилишди, ҳамда маҳсулотни Лондон бозорида сотиш бўйича шартнома имзолашди. Демак, қишлоқ ишбилармони ҳам экспорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Тайлоқда кичик ва ўрта бизнес корхоналари тармоғи сезиларли даражада кенгайганлигини таъкидлаш учун шундай рақамларни келтирмоқчимиз. Ҳозир уларнинг сони 350 та, 9 ойда бу корхоналарда ялпи саноат маҳсулотининг 40 фоизи ёки 100 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Қизиғи шундаки, бу корхоналар бирор фаолият тури билан шуғулланаётганда бир-бирларини такрорламасликка интилишади. Атлас тўқиш, мўйнадўзлик, шарқ ширинликлари тайёрлаш, косиблик, ҳунармандчилик сингари соҳалар, ўнлаб мойжувоз, тегирмонлар, ғишт заводлари туман иқтисодиётига қувват бўлмоқда. Муҳими— саноатни ривожлантириш, кичик корхоналарни кўпайтириш орқали деҳқончиликда ортиқча деб ҳисобланган кишиларни янги иш жойлари билан таъминлаш масаласи муваффақиятли ҳал этилаяпти. Фақат шу йилнинг ўзида 1000 дан зиёд янги иш ўрни барпо этилди.

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда кадрлар сиёсатидаги изчиллик, талабчанлик алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Раҳбар кадрларни кетма-кет алмаштириш билан қутилган натижага эришиш қийин, — дейди туман ҳокими. — Шу боис ислоҳотлар жараёнида ўзгариш бўлмаётган корхона ёки хўжалик раҳбари билан очиқчасига суҳбатлашиб оламиз. Лозим топилса, ишни ўнглаб олиш учун яна бир бор имконият берамиз. Муаммоларини атрофлича ўрганиб чиқамиз, ёрдам уюштирамиз. Шунда ҳам раҳбарликка қурби, лаёқати етмаса, енгилроқ ишга ўтишини таклиф этамиз. Бу ёндашув жамоадаги маънавий муҳитни сақлаб қолиш, умум манфаатини ҳис этиб туришда қўл келмоқда.

Туман иқтисодиётидаги, кадрлар сиёсатидаги оқилона ишлар ижтимоий соҳаларда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аввало қурилиш, ободонлаштириш ишлари кенг кўламда амалга ошириляпти. Ҳар бир қишлоқда янги-янги маиший хизмат уйлари, савдо расталари, ҳаммом, боғча, даволаш пунктлари, чойхона қурилмоқда. Туманда бир йилда ҳар бири ўн минг томошабинга мўлжалланган иккита йирик стадион барпо этилди. Бири-биридан обод, чиройли, шарқона меъморчилик услубидаги бозорлар қурилди. Кўрғонча қишлоғида эса янги автобус саройи ишга туширилди. Аҳоли хонадонларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган.

Қисқаси, Тайлоқда иқтисодий ислоҳотлар натижаси ҳар бир хонадонда сезилиб турибди. Ислоҳотлар инсон манфаатларига, унинг янада яхшироқ яшашига хизмат қилмоқда. Шу боис сафарбарлик, янгича ишлашга иштиёқ кучли. Қишлоқни юксалтиришнинг, бозор инфраструктурасини кенгайтиришнинг реал имкониятлари юзага келмоқда. Тайлоқлик сабзавоткору боғбонлар «дунё деҳқон қўлига суянади», деган қадимий, пурҳикмат нақлга амал қилиб, маъмурчиликнинг янги-янги булоқларини кашф этмоқдалар.

Музаффар МУҚИМОВ,
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.

Усмон Юсупов туманидаги Жейнов қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Таъминот» ишлаб чиқариш-савдо жамоа корхонаси муваффақият билан иш юритмоқда. Айни пайтда 33 киши меҳнат қилаётган ушбу корхона муваффақиятларининг сирини унинг бир неча тармоқда баробар иш олиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам бу ерда деҳқончилик, чорвачилик соҳаларида бир қанча ютуқларга эришиляпти. Жорий йилда жамоа корхонаси пахтакорлари 17 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар. Уларнинг чорвачиликдаги ишлари ҳам мақтовга лойиқ. Айни пайтда жамоа корхонаси фермасида 80 бош қорамол, 300 бошдан ортиқ қўй боқиляпти. Шунингдек, 30 та нутра, 20 бош юз ҳам парвариш қилинмоқда.

Яқинда жамоа корхонаси кунига 10 тонна сутни қайта ишлайдиган мини завод сотиб олди. Энди бу ерда сариёғ, сметана, ширин, қуюқ сут, қатиқ, творог ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



СУРАТЛАРДА: «Таъминот» жамоа корхонасига қарашли «Қудрат» чойхонаси чойхоначиси Қудрат Очилов; чойхона ҳар доим гавжум; жамоа корхонасида парвариш қилинаётган гозлар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Хабарлар оқимидан

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Янгиқўрғон туманидаги мева ва узумни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти ва испаниялик тадбиркорлар ҳамкорлигида Янис ЖВ номли қўшма корхона ташкил этилди.

Низом жамғармаси 3 миллион 215 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу корхонада йилига 20 минг тонна мева ва узум қайта ишланади. Энг замонавий дастгоҳлар ёрдамида эса соатига 3 минг шишадан ортиқ мусаллас қадоқланади. Ана шу маҳсулотнинг 75 фоизи четга экспорт қилинади.

Янги корхонанинг ишга туширилиши туфайли 163 нафар қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланди. Муҳими, туманда хўжаликларда етиштирилаётган мева ва узум энди шу ернинг ўзида қайта ишланиб, тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиб берилади.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГЕРМАНИЯНИНГ ФАРҒОНАЧА ПИВОСИ

Фарғонадаги Марғилонсой соҳилида қурилган шинам «Зиёрат» меҳмонхонасида, асосан, хорижликлар истиқомат қилади.

Яқинда бу ерда Германия технологияси асосида беш турда пиво ишлаб чиқарадиган кичик цех ишга туширилди. Уни Венгриянинг «Юкслаилсут» фирмаси мутахассислари барпо этдилар.

Айни кунларда янги цехда кунига 600 литр пиво ишлаб чиқарилаётир.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Лўқма

ИШ ҲАҚИГА -- ВИНО!

Баҳром Мавлонов кўп йиллардан бери Сариосиё туманидаги 281-қурилиш ташкилотига раҳбарлик қилади. Худди бошқаларга ўхшаб Баҳром ака ҳам вақтида насияга иш бажариб ташлаган экан -- яқинда бировидан бажарилган ишнинг пулини сўраган эди, ҳалиги валломат пул ўрнига вино таклиф қилди: беш тонна! Ҳар кимнинг иш ҳақи ва эҳтиёжига қараб вино тарқатилди. Баъзилар шу жойнинг ўзида иш ҳақини... кўтариб қўйди.

-- Қурувчилар винони ичгандан сўнг сигарет чеккилари келиб қолса-чи?..

Тожиддин РАЗЗОҚ.
«Халқ сўзи» мухбири.

YAŞASIN ŌZBEKISTON

TASHKOCAUTO

Мустақил, суверен Ўзбекистон бугун ўз автомобиль саноатига, ривожланган автомобиль бозорига, автотранспорт корхоналарининг йирик тармоғига эгадир. Булар давлатнинг иқтисодий фаровонлигининг ўзига хос рамзидир. "ТАШКОЧАВТО" қўшма корхонаси "Ўзавтотранс", "Ўзавтосозлаш", "Ўзавтосаноат", "ЎзДЭУавто" сингари машҳур корхона ва ташкилотлар билан республика автомобиль индустрияси ва транспорти тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Биз бу хайрли ишда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз. Ва биз Ўзбекистоннинг ажойиб келажагига ишонамиз.

"ТАШКОЧАВТО" - бу:

- **"ДОГАН", "ФИАТ-ТЕМПРА", "КАРТАЛ" автомобиллари, "ПЕЖО-КАРСАН" микроавтобусларни сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш;**
- **"OPAR" заводларининг эҳтиёт қисмларини, аккумулятор батареяларини сотиш;**
- **жаҳонга машҳур "GOODYEAR" русумли шиналарни сотиш.**

1996 йил 17 декабрда пойтахтнинг Миробод туманида "Автомобиль менинг республикам ҳаётида" деб номланган расмлар танлови бўлиб ўтади, унда ота-онасиз қолган болалар иштирок этади. Танлов ташкилотчиси - Миробод тумани ҳокимлиги. Танлов ҳомийси - "ТАШКОЧАВТО" ҚК.

TOFAŞ GOODYEAR Opar

"ТАШКОЧАВТО": БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ!

ЧЕМПИОН БЎЛДИК, ЛЕКИН МУХЛИСЛАРДАН ЯНА ҚАРЗДОРМИЗ

«Навбаҳор» жамоасининг бош мураббийси Виктор ЖАЛИЛОВ билан мулоқот

-- Виктор Романович, ҳар қандай ғалаба замирида тинимсиз меҳнат, изланиш ётади, албатта. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бу йилги ғалаба омиллари ҳақида гапирсангиз.

-- «Навбаҳор» футбол жамоаси ғалабаси учун пухта замин бор эди. Собиқ иттифоқ даврида ҳам навбаҳорчилар биринчи лигада ўйнашган. Иттифоқ тарқалиб кеттандан сўнг бу жамоа республика футбол клублари орасида асосий жамоалардан бўлиб қолди. Фақат жамоанинг бор кучини асосий йўналишга қаратиш, ўйинчилар орасида ҳамжиҳатликни таъминлаш ва жамоада соғлом маънавий муҳит яратиш қолганди, холос. Ўтган йили май ойида жамоага келиб бу борада олиб борилаётган ишларни янада ривожлантиришга киришдик. Барча ишларни амалга оширишда жамоа раҳбариятига вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, айниқса, жамоа бош ҳомийси -- вилоят сув хўжалиги бирлашмаси яқиндан ёрдам берди.

Жамоа бошлиғи Бахтиёр Бобоев билан биргаликда, аввало, ишни жамоа ўйинчилари орасида соғлом маънавий муҳитни яратишдан бошладик. Бунинг учун ўйинчиларнинг ҳар бирининг характерини пухта ўрганиб чиқишга ва айримлари билан хайрлашишга тўғри келди. Улар ўрнига ташқаридан ўйинчилар таклиф қилинди. Жамоада ҳамжиҳатлик, бирликни таъминлашга эришганимиздан сўнг ижобий ўзгаришлар сезилди. Йил бошида йўқотилган очколар тикланиб, «Навбаҳор» мавқеини мустаҳкамлай бошлади. Йил якунига келиб эса барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетмагани маълум бўлди. «Навбаҳор» республика миллий чемпионатида учинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль совриндори бўлди.

Биз бу муваффақиятни мустаҳкамлаш учун бу йилги чемпионат олдидан яна бир қатор янги ўйинчиларни таклиф қилдик. Э. Момотов, А. Маъруфалиев, И. Шарипов, М. Дилмуҳамедов шулар жумласидандир. Хуллас, ташқаридан тажрибали, келажаги бор етти нафар ўйинчини таклиф қилдик ва ўз навбатида уч нафар ўйинчимиз бошқа жамоаларга ўтиб кетди. Шундай қилиб, йил бошидан янги жамоани шакллантиришга эришдик.

-- Маълумки тажрибали, яхши ўйинчиларни жамоага олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси маблағ билан боғлиқ, тўғрими?

-- Албатта. Ҳамма жойда ўз соҳасининг яхши мутахассиси қадрланади ва юқори баҳоланади. Биз жамоани мустаҳкамлаш учун қилган барча ўринишларимиз, ҳаракатимиз, маҳаллий ҳокимлик ва ҳомий ташкилот томонидан ҳамиша қўллаб-қувватланиб турди. Улар олдига қўйган бирор масаламиз ижобий ҳал бўлмасдан қолмади. Биз ҳам бутун жамоамиз билан ана шу ишончга, ҳурматга лойиқ бўлишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир ўйинчидан тортиб, мутасадди раҳбаргача масъулиятимиз ўн чандон ортди. Қисқача қилиб айтганда, йил бошидан жамоани тўлақонли таркибини шакллантириб, соғлом маънавий муҳит яратишга эришганимиз муваффақиятимиз омили бўлди. Чемпионатнинг дастлабки ўйинлариданоқ «Навбаҳор» нималарга қодир эканлигини кўрсата бошлади. Ана шу кўтаринкилик, бир тану бир жон бўлиб, аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан бошланган ўйин чемпионат охиригача давом этди. Натижа эса ҳаммага маълум: «Навбаҳор» мудатидан олдин миллий чемпионат ғолиби бўлди.

-- Йил давомида бўлиб ўтган ўйинларнинг қайси бирини энг ёрқин, эсда қоларли деб ҳисоблайсиз?

-- Ҳар бир ўйиннинг ўзига яраша масъулияти, юки бўлади. Шунга қарамай жамоамизнинг «Нефтчи» ҳамда «Пахтакор» футбол клублари билан бирин-кетин ўтказган учрашувларини ажратиб кўрсатган бўлардим. Ҳар икки ўйинда жамоамиз бор имкониятларини ишга солди. Ҳар бир ўйинчи ўз маҳоратини кўрсата билди. Айниқса, асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир даврда «Нефтчи» устидан эришилган ғалабамиз жамоамиз аъзоларига кўтаринкилик бағишлади. Шундан сўнг ўзимиз ишонч ҳосил қилдик ва чемпион бўлишимиз аниқ бўлиб қолди.

Шунингдек, ўйинчиларимиз маҳоратини оширишда халқаро учрашувларда иштирок этганлигимиз ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Эрон ва Ироқ футбол жамоалари билан бўлган учрашувларимиз ҳам бизга жуда катта сабоқ ҳамда тажриба мактаби вазифасини ўтади. Ироқда 80 минг, Эронда эса 120 минг атрофида томошабин стадионга кирди. 40--50 минг томошабин ҳамиша ўзига хайрихоҳ бўлиб юрганига ўрганиб қолган жамоамизга хорижда бирданига юз мингдан ортиқ қарши томошабин киргани ҳам жамоамиз аъзолари асабларини жиддий синовдан ўтказди. Айрим футболчиларимиз бундай катта ўйинларда биринчи маротаба иштирок этишди. Шу боис ҳам бу учрашувлар жамоамиз учун тажриба мактаби бўлди, десак янглишмаймиз.

-- Сиз юқорида қўплаб ўйинчиларни «Навбаҳор» футбол жамоасига ташқаридан таклиф қилаётганликларингизни таъкиддадингиз. Ҳолбуки, маҳаллий кадрлардан ҳам малакали футболчилар етишиб чиқиши лозим. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

-- Биз аввало жамоани маҳаллий кадрлар билан тўлдириб боришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Лекин вақт зиқлиги учун ўтган йили вилоятдаги футбол жамоалари орасидан яхши ўйинчиларни саралаб олиш имкони бўлмади. Мана бу йил «Косонсой» ва «Навбаҳор-2» футбол жамоаларидан ўйинчиларни таклиф қилаяпмиз. Вилоятда футболни ривожлантириш ва малакали ўйинчиларни тарбиялаш учун барча шароитлар етарли. Вилоятдаги каттаю кичик футболни севиши, бу ерда ўйинчилар учун барча қулайликларнинг яратилгани ҳам «Навбаҳор»нинг чемпион бўлишига олиб келди. Спортда жамоанинг моддий жиҳатдан таъминланиши ва моддий манфаатдорлигини нисбий маънода тушуниш керак. Негаки, яхши ўйин кўрсатиш, ғалаба қозониш учун моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ўзи камлик қилади. Масалан, «Пахтакор», «Нефтчи» ёки «Нурафшон» футбол жамоалари ҳам моддий жиҳатдан «Навбаҳор»дан кам таъминланган, деб бўлмайди. Менимча, жамоани маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишнинг оқилона ташкил қилинишига кўп нарса боғлиқ. Бу борада жамоамиз бош ҳомийси бирлашма бошлиғи Ҳ. Ҳошимовни «Навбаҳор»нинг чинакам фидойиси дейиш мумкин. Футболга муносабат ва унинг оммавийлиги жиҳатидан Наманган бошқа жойлардан фарқ қилади. Буни «Навбаҳор»нинг ҳар бир ўйинига бир неча ўн минглаб томошабинларнинг ташриф буюрганидан ҳам билиб олса бўлади.

Бундан ташқари, вилоятда ҳозир 200 нафардан зиёд ёшлар футбол билан шуғулланмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Келажакда улар, албатта, навбаҳорчилар сафини тўлдиради.

-- Келажакдаги режалар ҳақида гапирсангиз.

-- Чемпион бўлиш қийин, уни сақлаб қолиш ундан ҳам мураккаброқдир. Шунинг учун кўп ишлашга, изланишга тўғри келади. Келгуси йил биз учун янада масъулиятли бўлади. Негаки, чемпион билан ўйнаган ҳар бир жамоа ўта масъулият билан бор имкониятларини ишга солиб ўйнайди. Биз эса уларга қарши туришимиз лозим. Қолаверса, эришган обрў-эътиборимизни сақлаб қолиш, кўпмингсонли ишқибозларимиз ишончини оқлашни бурчимиз деб биламиз. Чунки биз мухлисларимиздан жуда катта қарздормиз. Улар бизни ҳамиша қўллаб-қувватлашди. Бошқа шаҳарларга бориб ўйнаганимизда ҳам минглаб мухлисларимиз ўша ерларга бориб, бизга куч-қувват бағишлаб турдилар. Бунинг учун биз улардан миннатдормиз ва бу ғалаба уларнинг ҳам ғалабасидир. Асосий режамиз ана шу ишончни оқлаш ва уни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунинг учун барча имкониятларимизни, бор маҳоратимизни тўла намоён қилиб, келгуси йил ҳам чемпионлик мавқеимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

«Халқ сўзи» мухбирлари Расул ЖУМАЕВ, Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди.

БЕРУНИЙ ҚАБРИ ТОПИЛДИ

Бобур номидаги халқаро жамғарма илмий экспедицияси Хитой, Покистон, Афғонистон, Эронга уюштирилган навбатдаги сафаридан қайтиб келди. Тўрт кишидан иборат гуруҳ бу гал қарийб бир ой давомида 15 минг километрга яқин йўлни босиб ўтди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида мазкур сафар якунларига бағишланган учрашув ўтказилди. Экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов йиғилганларга буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган ана шу сафар таассуротлари ҳақида гапириб берди.

Шуни айтиш керакки, экспедиция ташкил этилганидан буён унинг иштирокчилари қарийб юз минг километрли йўл босиб, Шарқнинг ўндан кўпроқ мамлакатларида бўлди. Ўтмиш аждодларимизнинг қабр ва мақбараларини излаб топди, уларни таъмирлаш ишларига баҳолиқудрат кўмаклашди. Жумладан, Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий мақбараси таъмирланди, Ҳусайн Бойқаро қабри ободонлаштирилди. Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Гулбаданбегим қабрлари зиёрат қилинди, қимматли маълумотлар тўпланди.

Навбатдаги сафар Хитойнинг Қашқар шаҳридан бошланди. Опоққўжа эшон, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Зокиржон Фурқатнинг мақбаралари зиёрат қилинди. Қашқарда «Бобурнома»нинг қадимий нусхасини, Шарқий ва Марказий Туркистон тарихига оид яна иккита ноёб китобни қўлга киритгани экспедициянинг катта ютуғи бўлди, десак хато ҳисобланмайди. Бу ерда аждодларимиз ёдгорликларига катта ҳурмат билан қаралаётгани, уларнинг мақбаралари таъмирланаётгани юртдошларимизни қувонтирди.

Қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашган ва баландлиги беш минг метр бўлган Қорақурум довони орқали Покистонга ўтган экспедиция аъзолари у ерда Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонасида бўлдилар. Суҳбатлар, сўраб-суриштиришлар натижасида машҳур шоира Зебуннисо мақбараси зиёрат қилинди.

Афғонистонга сафар у ердаги ҳозирги мураккаб шароитда катта қийинчилик билан кечган бўлса-да, қувончли натижа билан якунланди. Анча изланишлардан сўнг Ғазнада ажойиб қомусий алломамиз Абу Райҳон Беруний қабрини топишга муваффақ бўлинди. Аниқ тарихий манбаларга асосланилмаганида, шоли экилган майдондан атиги бир неча метр нарида жойлашган сағана тоши парчалари уюмига қараб бу қабр бутун дунёга машҳур алломаники эканига ҳеч кимни ишонтириб бўлмас эди.

Бундай хайрли сафарлар давом этади.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон халқ рассоми Чори Рўзиев Китоб тумани ёшлари даврасида.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

КЛУБ ҚУРИЛИШИГА 2,5 МИЛЛИОН СЎМ САРФЛАНДИ

Қўнғирот туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида янги клуб биноси тикланди.

200 ўринли мазкур иморат қурилишига хўжаликнинг 2,5 миллион сўм маблағи сарфланди. Айни чоғда янги қишлоқ клуби учун киноускуна, аудио ва видео жиҳозлар сотиб олинди. Бу ерда турли тўгараклар ҳам фаолият кўрсатади.

БОЗОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда Тўрткўл шаҳри ва туманида ўнталан зиёд бозор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг деярли тўртдан уч қисми сўнгги йилларда қурилган.

Яқинда эса шаҳарнинг Ибн Сино номли ва «Янгиобод» маҳаллалари ҳудудида яна бир янги деҳқон бозори ишга туширилди. Унинг усти ёпиқ бўлиб, кечаю-кундуз ишлаётир.

Ҳ. АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Исроилнинг энг сўнгги технологиясига асосланган
"САНИПЛАСТ"
қўшма корхонаси

қуйидаги хизматларни маромига етказиб бажариш юзасидан шартномалар тузади:

* *гулзорлар ва майсазорларга жаҳон андозаси даражасидаги автоматик бошқариладиган ёмғирлатиб суғориш системаларини;*
* *иссиқхоналар ва очиқ майдонларга томчилатиб суғориш системаларини ўрнатиш;*
* *шунингдек, диаметри 16, 75 мм.ли полиэтилен қувурларни пайвандлаш харажатларисиз тез, сифатли, кафолатли улашда қўл келадиган пластмассали фитингларнинг ҳамма турларини кўнглингиздагидек қилиб тайёрлаб беради.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИССАДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОР» БАНКИ

Мамлакатимиздаги йирик, барқарор ва ишончли банклардан бири мижозларга қуйидаги хизматларни таклиф этади:

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига тезкорлик билан пул ўтказиш;

Бошқа қўшимча хизматларни бажариш;

Кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ва молиялаштириш;

Ҳисоб-касса операцияларининг барча мажмуасини бажариш;

Қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш;

Сўм ҳамда валюта ҳисобварақаларини очиш ва юритиш;

Манзилимиз; 700047, Тошкент шаҳри, С. Азимов кўч, 52-уй.

Телефонлар: (3712) 33-18-75, 33-53-43, 33-83-21

Факс: (3712) 33-83-21.

Республикамиз бўйича жойларда мижозларимизга хизмат кўрсатаётган вилоят бўлимларининг манзиллари:

N т/н	Филиаллар номи	Манзили ва телефон рақами	Раҳбар фамилияси, исми ва отасининг исми
1.	Қорақалпоғистон	742000 Нукус ш. Шомуротов кўчаси, 107 (8-361-22)7-5024	Ким Олег Виссарионович
2.	Андижон	710001. Андижон ш. Ш. Рашидов кўч. 48 (8-374-2)24-24-43	Ҳусанов Турсунали
3.	Бухоро	705014 Бухоро ш. Низомий кўч., 35 (8-365-22)3-75-85	Комолов Низом
4.	Навоий	706800 Навоий ш. Привокзальная кўч., 12 (8-436-00)6-47-50	Муҳамедов Чиншўлат Бахрамович
5.	Жиззах	708008 Жиззах ш., Ивановская кўч., 60 (8-372-22)4-15-76	Абдусамадов Низом
6.	Қашқадарё	730017, Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 305 (8-375-22)5-64-10	Ваҳобов Зокиржон Қувватович
7.	Наманган	716018 Наманган ш., Дўстлик шоҳ кўч.,9 (8-369-22)4-41-05	Юсупов Абдуравип
8.	Самарқанд	703034 Самарқанд ш., Мирзо Улуғбек кўч., 148 (8-366-2)24-33-71	Нуриллаев Султонмурод Нуриллаевич
9.	Сурхондарё	732000 Термез ш., Навоий кўч., 41 а (8-376-22)4-06-28	Тоғаев Салоҳиддин
10.	Сирдарё	707000 Гулистон ш., Бўстон кўч., 30 (8-367-22)25-27-20	Ғазиева Рақима
11.	Тошкент	700128 Тошкент ш., 11-15 Қодирий кўч.,9 (8-3712)44-09-92	Имонов Одилжон Каримович
12.	Фарғона	712000 Фарғона ш., Навоий кўч., 17 (8-373-22)4-97-94	Муродов Алишер Деҳқонович
13.	Хоразм	740000 Ургенч ш., А. Баҳодирхон кўч., 185 (8-362-22)6-8890	Мадраҳимов Қаҳрамон Этамбердиевич
14.	Ўзтадбиркорбанк амалиёт бўлими	700047 Тошкент ш., С. Азимов кўч., 52 (8-3712)36-28-12	Ҳилимов Маҳмуд Раҳмонович

«Медоптика» қўшма корхонаси туғатилади. Барча даъволар эълон газетада чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 67-67-91.

Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси МК Андижон биокимёзаводининг директори **Шуҳрат МАДАЗИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —А. Йўлдошев. Навбатчи —О. Турақулов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳririятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.00. 123456